

КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАР ЙИЛИ МУБОРАК, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
29 декабрь
ШАНБА

№ 104
(12.011)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида вилоят кенгашининг депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги котибият ва гуруҳлари, бошқармалар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Сессия мажлисига халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси, вилоят ҳокими вазифини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов раислик қилди.

Сессияда бир қатор округлар бўйича бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари вилоят кенгашига 2007 йил 11 ноябрда ўтказилган сайлов натижалари ҳақидаги ахборот тингланди.

Сессия 2006 йилги вилоят

бюджетининг ижроси ва 2008 йилги вилоят бюджетининг параметрлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Бу масала юзасидан вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи Шокир Нуриевнинг маърузаси тингланди ва муҳокама қилинди.

Сессияда бошқа масалалар ҳам кўрилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

МЕҲНАТИ ШАРАФЛАНДИ

Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодиёт коллежидан навбатдаги «Меҳнатни шарафлаш кўни» тадбири бўлиб ўтди.

Бешинчи мартаба ўтказилган анъанавий бу маросимда коллеж жамоасининг йил давомида амалга оширган ва кўлга киритган ютуқлари сарҳисоб қилинди. Дастлаб ташриф буюрган вилоятдаги коллежлар педагогика ва меҳмонлар педагогика жамоасининг таълим-тарбия жараёни фаолиятини акс эттирувчи кўргазма воситалари ҳамда талабаларнинг амалий ишлари билан танишди. Иштирокчиларга таълим-тарбия жараёнида акс этган видеолар намоиш этилди.

Коллежда муҳим тарихий манба «Меҳнатни шарафлаш китоби» жорий этилган бўлиб, унинг саҳифаларига йил давомида ўзининг таълим-тарбия жараёнидаги фаол ва ибратли фаолияти билан ўрнатилган ўқитувчи ҳамда талабалар номи битилади. Бу йил ўрнатилган курсатган педагог ва талабалар муносиб тақдирланди. Шунингдек, ўнлаб йўналишлар бўйича қолиб қолган кўлга киритган устоз ва талабалар рағбатлантирилди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

«САХОВАТ ДЕКАДАСИ» ДОИРАСИДА

Ўзбекистон Рус маданияти марказида ташкил этилган «Саховат декадаси» республикада яшайдиган рус миллиятига мансуб уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронлар қалбига ҳушудлик бахш этди.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси билан ҳамкорликда ўтказилган бу ўн кунлик дастур доирасида вилоятимизда ҳам хайрия тадбирлари ташкил этилди.

Ангренда ўтказилган «Юмшоқ ўйинчоқлар» тадбирида ногирон болаларга 200 дан кўпроқ ўйинчоқ совға қилинди. Шунингдек, уларга инсонпарварлик кўмаги сифатида 20 дан ортиқ ногиронлар арава-чалари ҳам совға қилинди.

Алижон АҲМЕДОВ.

«Қамолот» совғалари



ҚОРБОБО ВА ҚОРҚИЗ – МЕҲМОНИНГИЗ

Янги йил шодиёналарини дўстлар даврасида, айниқса, турли зeb-зийнатларга бурканган арча атрофида, Қорқиз ҳамда Қорқиз иштирокида ўтказганга нима етсин. Бу шодиёналар ҳажжи фарзандларимизга қанчалар

шоду-хуррамлик бахш этмайди дейсиз. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши болажонларга завқ-шавқ улашиш мақсадида «Қамолот»нинг Янги йил тўғрисида дастурини ишлаб чиқди.

наларда ҳаракат томонидан болажонларга байрам совғалари улашади.

Шаҳар ва туманларга Қорқобо ва Қорқизларни кузатиш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова иштирок этди.

Саид ҲАСАНОВ.

СУРАТДА:

Қорқобо ва Қорқизларни шаҳар-туманларга кузатиш маросимидан лавҳа.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Кўни кеча ўртачирчиқ туманидаги вилоят Маънавият ва маърифат маркази биносидан дастур доирасида амалий ишлар бошлаб борилади. Вилоятда истиқомат қилувчи имконияти чекланган болалар учун «Қамолот» совғаси, ёлғиз қариялар учун ёшлар таъриғи, меҳрибонлик уйи ва

мактаб-интернатларида «Ҳар доим «Қамолот» билан!» байрам тадбирлари ўтказилади. Шунингдек, Ҳаракат ўз байрам дастурида ўз смир ёшларни ҳам унутгани йўқ. Жумладан, воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази тарбияланувчиларига «Қамолот» таъриғи,

ҳарбий қисмларда «Янги йил кўтлови» каби йўналишларда тадбирлар ўтказилади. Таътил кунларида ижтимоий ёрдамга муҳтож болалар учун эса «Кўчма арча» тадбирлари уюштирилади. Қорқобо ва Қорқиз иштирокида Янги йил тантаналари 12 январга қадар давом этади. Танта-

Таҳлил

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Мустақил Ўзбекистон давлатининг дунё харитасидан ўрин эгаллаганига 16 йил бўлди. Бу давр ичида Ўзбекистонда демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида дадил қадамлар қўйилди. Бугун мустақилликни мустаҳкамлаш, давлат ва жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида Ўзбекистон эришган улкан муваффақиятларни тараққий этган кўпчилик давлатлар ҳам эътироф этмоқдалар!

Истиқлолга эришганимиздан кейинги ўтган тарихан қисқа даврга назар ташласак, Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримовнинг раҳнамолигида ва бевосита ташаббуслари билан турли соҳаларда босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар мамлакатимизнинг тараққий йўлини белгилаб бераётганлигини кўраемиз. Юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифасини илгари сурди. Шу асосда миллий анъаналар, муқаддас қадриятлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ўзида мужассам этган Конституциямиз ва қонунларимиз ишлаб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу жараёнда шомма-шошарликка йўл қўйилмади ёки қайсидир давлатнинг қонунчилиги механизми андоза қилиб қўйиб олинмади. Суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишнинг мулқо янги концепцияси яратилди. Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг

боришини кузатишда бўлсак, мамлакат таъриғи бераётган бўлмаган, ўз тарихи, бугунги ва келажagini тасаввур қила олган фуқароларимиз улғу мақсад йўлида бирлашиб, қудратли яратувчи кучга айланиб бораётганлигини кўраемиз. Сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурни ўзгартириш ва янгилик бораётган фуқаролар кўни ижодкорлигида фаол иштирок этмоқдалар.

Ҳар бир қонунни тайёрлашда бу ҳуқуқий меъёرنинг халқимиз ҳаётини яхшилаш учун қай даражада самара бериши мумкинлиги нуктаи назаридан ёндашилди. Бу эса, албатта, ислохотларнинг узокки қўзғал, инсон манфаатларини ўйлаб, қўқур мулоҳаза асосида замон билан ҳаммафас руҳда амалга оширилганлигини далолатидир.

Бу жараёнда, айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиликлар алоҳида ўринга эга. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминловчи бу тизимни ислох қилишга умумдавлат аҳамиятига молиқ, ўзбек миллий моделининг тақдирини ҳал қилувчи асосий масалалардан бири сифатида қара-

либ, янгилик асосда суд-ҳуқуқ тизимини яратилган жиддий қиришилди.

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини қамқолаш ва таъминлаш ҳар қандай давлатнинг биринчи даражали вазифалари эканлигини келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат функцияларини амалга оширувчи барча органларнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари қайта кўриб чиқилди.

Бунда асосий эътибор суд ҳокимиятининг жамиятдаги обрўсини ошириш, ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилди. Судларнинг жинсий, фуқаролар ва ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви қонунда мустаҳкамлаб қўйилиши билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган функциялари янада кучайтирилди.

Бу жараёнлар прокуратура фаолиятини ҳам жиддий ислох қилишни тақозо этди. Прокуратура органлари фаолиятини белгилувчи ҳуқуқий асослар тақомиллаштирилди ва уларнинг ҳуқуқий макими ва бир қатор ўзгаришлар киритилиб, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоялаш вазифалари кучайтирилишига устувори аҳамият берилди.

Натижада, муқаддам кўп йиллар давомида жинсий жавобгарлиқнинг амалга оширилишида таъкиб этувчи ёки содда қилиб айтганда, «қораловчилик» вазифаларини бажариб келган прокуратура органлари янги қабул қилинган қонунга кўра фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат ман-

Кейинги йилларда вилоятда паррандачилик жадал ривожланмоқда.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ САМАРАСИ

Қибрай туманида ҳозир тўртта фабрика, учта йирик фермер ҳўжалиги паррандачилик билан шуғулланмоқда.

Вилоят статистика бошқармаси маълумоти-га кўра, туман бўйича йилига 250 миллион донга тухум олинмоқда. Уч минг тонна парранда гўшти етиштирилмоқда.

Паррандачилик ҳўжаликларини техникавий қайта жиҳозлашда Италиядан келтирилган технологиялар қўл келмоқда. Хусусан, «Факко» фирмасининг кўп ярусли технологиясини ёрдамда бир майдоннинг ўзида 50 минггача парранда боқиш имкони яратилди. Бу технологиядан тумандаги ҳўжаликларда самарали фойдаланилганди.

Акбар АЛИЕВ.

Янги йил ТИЛАКЛАРИ

Янги йилнинг оstonасин,
Ҳатлаб ўтай тилак билан.
Азизларим, неки айтсам,
Айтай тоза юрак билан.

Шу юртнинг биз фарзандлари,
Омон бўлсин бор элимиз.
Элда бўлса бизда бўлар
Узун бўлар ҳам тилимиз.

Меҳр деган дарахт ўсиб,
Мева берсин Оқибатдан.
Ҳар бандани Ҳақ сақласин,
Келар азоб-ўқубатдан.

Дўстни душман айламасин,
Душман дўстинг йўлин тутсин.
Давраларнинг тўрига ҳам
Ҳурмат билан иззат ўтсин.

Яхшиликлар соғинайлик,
Бир-бировни йўқлағанда.
Кўнғироқлар қилаверинг,
Соғинч дилда ухлаганда.

Ҳар кимнинг ҳам ўз йўли бор,
Қараб қўйсин сўнг ортига.
Узин ўйлаб, ўзгаларнинг
Ярабдими бир дароғи.

Бўлса бўлсин, ҳар бир инсон,
Бизни ҳавас уйғотди.
Қўлағида қувонч бўлса,
Юрағида куй ётади.

Мард қўлига қўлни берсанг,
Куч ошади билагинда.
Қалдирғочлар қанот ёзар,
Элга айтган тилагинда.

Азизларим дарё тошса,
Қирғоқлар ҳам шошадик.
Бир-бирини қўлаган эл,
Довонлардан ошадику.

Ҳаммамизга битта дунё,
Битта Ватан этади, денг.
Иккисига кўнғил қўйган
Бахтлиман деб ўтади, денг.

Остонада қилсанг ният
Узин йўллар қўлайверар,
Тилингдаги шу ниҳолга
Қўш нурун йўлайверар.

Омон бўлинг, азизларим,
Омон бўлсин сен ҳам кўнғил.
Қутлуғ бўлсин шундай кунлар,
Қутлуғ бўлсин шу Янги йил!

Ҳамид НОРҚУЛ.



Бизнинг индекс – 205.

ЗАНГИОТА ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ бўлими жамоаси

азиз ватандашларимизни ҳамма
барча маориф ходимларини кириб келаётган

Янги – 2008 йил

билан самимий қутлайди.

Барчангизга соҳат-саломатлик,
бахт-саодат, оилавий тотувлик ҳамиша ёр бўлсин!
Ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш
ўйида давлатимиз томонидан олиб борилаётган
кенг қамровли ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш ўйидаги
заҳматли меҳнатимизда муваффақиятлар ёр бўлсин.
Кириб келаётган 2008 йил юртимизга қут-барака,
тинчлик, хотиржамлик олиб келсин.

Азиз ҳамюртлар!

Катта ютуқ ва муваффақиятларга
бой бўлган 2007 йил тарих
саҳифаларидан ўрин олмоқда.

Ўтган Ижтимоий ҳимоя йили
ҳар биримизнинг ҳаётимизни
унутилмас воқеалар, янгиликлар,
ўзгаришлар билан бойитди.

Кириб келаётган янги 2008 йил —

Ёшлар йили

ҳам юртимизга, қолаверса,
ҳар биримизнинг хонадонимизга
қут-барака, тинчлик,
хотиржамлик, бахт-саодат ато этсин.
Озод юртимиз янада обод бўлсин!

«Тошкент Телеком»

филиали жамоаси.

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида "Истиқлол хотин-қизлар тақдирида" мавзуда фотокўргазма очилди.

ИСТИҚЛОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАҚДИРИДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони-га мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, айниқса, ёшларни миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз руҳида тарбиялаш, турли зарарли оқимлар таъсиридан асрашда маслаҳатчи аёлларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Кўргазмада намойиш этилаётган фотосуратларда бу борадаги кенг қўламли эзгу ишлар ўз аксини топган. Улар орасида Турсун Али, Рустам Шагаев, Виктор Ан, Владимир Жирнов каби фототаждорлар олган суратлар томошбинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Назакат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ФЕРМЕР БЎЛИШНИ ИСТАГАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги ҳамда туман фермер ва деҳқон хўжалиқларига ер майдонларини тендер асосида ажратиш комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фермер хўжалиқларини ривожлантиришга оид қарорлари ижроси юзасидан бугунги кунда туман давлат заҳираси ихтиёридаги ер майдонларига талабгор бўлган фуқаролар ва тадбиркорларни танловда қатнашишга, ер эгаси бўлишга таклиф этади.

Туман ҳокими қарорига биноан тендерга қўйилган туман давлат заҳирасидаги ер майдонлари

(Йўналиши — пахтачилик, галлачилик ва боғдорчилик)

Худуд номи	Йўналиши	Умумий ер майдони (га)	Шундан сугориладиган (га)
"Йўлчиқчи" қ.ф.й.	Пахта, галла	16,5	13,7
"Пахтакор" қ.ф.й.	Пахта, галла	15,0	10,0
"Пахтакор" қ.ф.й.	Пахта, галла	75,2	71,3
"Ок ота" қ.ф.й.	Пахта, галла	38,8	31,6
"Корасув" қ.ф.й.	Пахта, галла	47,1	41,7
"Ангор" қ.ф.й.	Пахта, галла	59,9	51,0
"Истиқлол" қ.ф.й.	Пахта, галла	28,5	23,0
"Истиқлол" қ.ф.й.	Пахта, галла	17,2	15,5
"Истиқлол" қ.ф.й.	Пахта, галла	35,7	30,2
"Йўлчиқ" қ.ф.й.	Пахта, галла	37,2	31,8
"Уртасарой" қ.ф.й.	Боғдорчилик	5,0	4,8
"Истиқлол" қ.ф.й.	Пахта, галла	49,6	45,2
"Ок ота" қ.ф.й.	Боғдорчилик	5,3	5,3
"Ангор" қ.ф.й.	Пахта, галла	57,8	53,3
"Истиқлол" қ.ф.й.	Пахта, галла	73,1	66,2
"Истиқлол" қ.ф.й.	Пахта, галла	48,3	42,7
"Истиқлол" қ.ф.й.	Пахта, галла	73,1	60,8
"Дўстлик" қ.ф.й.	Галла	21,5	21,5
"Пахтабод" қ.ф.й.	Пахта, галла	19	17,2
"Йўлчиқ" қ.ф.й.	Пахта, галла	38,4	32,9
"Кончи" м.ф.й. қўрғон	Боғдорчилик, сабзавотчилик	29,2	29,2
ЖАМИ:		791,4	698,4

ҲАЛОЛЛИК ВА ОРИЯТ ҲАҚИДАГИ ФИЛЬМ

Республика Киночилар уйида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига асосан "Hasan-films" киностудиясида суратга олинган "Чавандоз" бадий фильмининг тақдими бўлиб ўтди.

Фотур Шермухаммад сценарийи асосида суратга олинган мажмуа фильм кўпқари — улоқ, чавандозлар ҳақида. Қишлоқ одамларининг турмуш тарзи, юксак инсоний қасдларини кўрсатиш лавҳаларида очиб берилган. Чавандоз Тошмурод полвон ўзининг ҳалоллиги, мардлиги, орияти билан то-

мошабинда катта меҳр уйғотди. Режиссёр Ҳамидулла Ҳасанов томонидан суратга олинган фильмдаги асосий ролларни Боир Холмиров, Тохир Саидов, Юлдуз Ҳамидова сингари ихтидорли актёрлар ижро этган.

Ж. КЕНГБОВ,
ЎЗА мухбири.

Каминангизнинг бўйига ола хуржун тушиб, бошим икки, оёғим тўртта бўлганига мана бир йилдан ошди. Келинингиз Фарғонадаги космик лабораторияда ишлайдиган. Иسمى шарифларини сўрасангиз — Юлдузхон. Мен гоҳо ҳазиллашиб:

Кўк юзини безар порлоқ юлдузлар,
Ер юзини безар

Юлдуздай қизлар,
— деб қўяман. Хоним хийламга дарров тушунадилар.

— Ҳушомад қилмай қўя қолинг, — дейди қулиб. — Ким билади, сиз ойда нима хуналар кўрсатиб юрибсиз? Инглиз қизлари сарвқомат бўлади дейишди...

— Қизикмисиз, Юлдузхон, — дейман ўзимни оқлаб, — хуна кўрсатишга вақт борми? Илмий-тадқиқот ишлари олиб бораёلمиз.

— Гўзал қизлар нигоҳининг йилланган йигитлар юрагига таъсири ҳақида-я? — Юлдузхон ҳамон таъбиқ этаверади.

— Ана шунақасиз-да, Юлдузхон. Ишонмасангиз, бир кун ўзингиз чиқиб кўрасиз ҳам.

— Бир кун эмас, мана шу янги йилда чиқамиз!

— Янги йилда қандоқ бўларкин, Юлдузхон? Еримиз яхши эмасми? Ерда туғилганмиз, Ерда катта бўлдик. Она Ерга хурматимиз ҳақи, янги йилни уйда кутсак дегандим...

Юлдузхон астойдил ранжиди:

— Доим шунақа қиласиз. Келин бўлиб нима кўрдим? Бир марта Японияга, бир марта Цейлонга бориб келдим, холос. Ана, кўздай қўшимчимиз Сурейбхонларни қаранг! Ҳар байрамни ойда ўтказишди. Марсга ҳам икки марта чиқиб тушдилар...

Қараб турсам бўлмайдиган. Ёш келининг кўнгли нозикроқ бўлади, дейишди. Гоҳи-гоҳида ён босмасанг, доғда қолишинг мумкин. Шунинг учун:

— Хўп жонгинам, сиз айтганча бўлсин! — деб қутилдим.

Чин арафа кун космодромга қараб кетдик. Борсак, одам деганин юлдуздан ҳам кўп экан. Бир амаллаб ойчоққа жойлашдиғи Ойга равона бўлдик.

Баъзан, кўркмаяптими...

кан, деб Юлдузхонга қараб қўяман. Қаёқда дейсиз! Келинингизнинг юраги бизникидан бақувват.

Биз-ку, Юлдузхоннинг ишқида юлдуз санаб юриб, юракнинг яридан айрилганмиз. Қолган ярами уша ўша кишининг қўлла-рида. Демак, келинингиз бир яримта оракка ҳукми-ни ўтказди олади. Шундоқ бўлгандан кейин у нимадан кўрсин?

...Ойга ҳам етиб келдик. Келинингиз кемадан

сурат арами йигитлар, япониялик мунажжимлар...

Юлдузхонни қўриб, жа-зорлиқ дўстим Мухаммад Ал-Зоҳир сўради:

— Ёлқин, маликани ким деб улуғлаймиз?

— Юлдузхон, — дедим ва маъносини арабчага таржима қилиб бердим.

— О, бағоят рамзий, — қулди Мухаммад ва дарров пайров қилди, — Юлдузхон Ёлқини ҳамиша лавиллаб турсин!

Бир вақт бошлиғимиз



тушдилар-у, тўйимиз кунни ўраган оппоқ, ҳарир рўмонли бошларига солиб, беш-ўн қадам юрдилар. Кейин худди келин-тушди кунни оймиларга таъзим қилгандай, эгиллиб салом бердилар.

— Ассалом, Оймомо... Ёнимдаги йигитлардан бири:

— Баракалла... Кўп яшанг, қизим! — деди чолларга ўхшаб. Дув қулги кўтирдилар.

Шундай қилиб, Юлдузхоннинг муборак излари Ойга ҳам етди. Хонимга у ёқ-бу ёқни кўрсатган бўлдим. Кейин Янги йил базмига йиғилдик.

Базмага Ойда тадқиқот олиб бораётган чет эллик дўстларимиз ҳам таклиф этдик. Сунъий иқлим яратилган катта залимиз лик тўлди. Бир ёқда Фурқатнинг ошпозхонаси бўлиб, бир ёқда Хофизини ром этиб, саҳийлигини қўзғатган хинд гўзаллари, хуш-

кириб келди. У залга кўз қирини ташлаб олиб, ҳазиллашди:

— Ўртоқлар, бу қанақаси бўлди! Буюқ ўзбек шоири Навоий айтгандай, бир тараф девоналар, бир ён пари рухсорлар-ку! Яхши эмас... Йигирманчи асрдаги одатни ташлаш керак. Қани, битта эркак, битта аёл бўлиб ўтирилсин!

Ҳазил-мутойиба билан шишалар очилиб, неча йил бандиликда ётган "мўъжиза" озодликка чиққач, одамларга қароматини кўрсата бошлади, тиллар бурро бўлиб қолди. Ҳатто, бир-бирини тушунмайдиган меҳмонлар ҳам тилмочсиз гаплашиб кетишди. Хинд қизи оёқ-қўлларига қўнғирчоқлар тақиб, рақсга тушди. Муҳаммад қафтини чаккасига босиб, Нил ҳақида қўйлаб бошлади. Юлдузхон ҳам ўзбек вақиласи сифатида "Тановар"га ўйнаб берди...

Биласизми?

Биз Қорбобо ҳақида нималарни биламиз? У қачон, қаерда, қандай сабаблар билан пайдо бўлган?

ҚОРБОБО ТАРИХИЙ ШАХСМИ?

Бу саволларга аниқроқ, асосли жавоблар топиш учун ўзқўлмишга мурожаат қилишга тўғри келади. Аввало, шунга таъкидлаш жоизки, Қорбобо сиймоси бир неча асрлар давомида шаклланиб, даврлар ўтиши билан сайқал топиб борган. Ҳар бир халқ унинг тарихига ўз миллий минтақасига хос ўзгаришлар киритиб келган. Ҳатто, Қорбобонинг ўзқўлмиш тарихий шахс бўлган деган тахмин ҳам йўқ эмас.

Айтишларича, IV асрда Туркиянинг Мира шаҳрида Николай исми архиепископ (бир неча черков округини бошқарувчи епископ) яшаган экан. Ривоят қилишларича, у жуда саҳий бўлиб, бутун умри давомида камбағал оилаларни, мухтожларни қўллаб, ёрдам берган. Вафотидан сўнг халқ уни илоҳийлаштирган.

Вақт ўтиши билан ўша архиепископ шахси турли халқларнинг урф-одатлари ва удулмари таъсирида бугунги Қорбобого айланган. Энди уни турли юртларда турлича аташди. Масалан, испан-

лар Ноэл ота, руминлар Мош Жарил, нидерландлар Синте-Клаас, инглизлар ва америкаликлар Санта-Клаус, руслар Дед Мороз, биз эса Қорбобо деймиз.

Қорбобонинг махсус либоси ҳам ўзи каби тарихий ўтмишга эга. Аввал уни плаш (ёлғақа ташлаб юриладиган енгиз кенг кийим) ҳолида тасвирлашган. Нидерландлар эса XIX асрнинг бошларига келиб, уни мўри тозаловчи ва шу мўридан болаларга совға ташлайдиган, трубка (сархона)ли мундштукда тамаки чекадиган барваста қашанда қиёфасида тасвирлашган. Ўша асрнинг охирига келиб, Қорбобого мўйна ёқали қизил пўстин (шуба) "кидиришган". 1860 йилда америкалик рассом Томас Найт Қорбобони узун ва қалин соқол билан безаган. Энди ҳаммамиз бу Қорбобо билан жуда яхши танишимиз. Қизил пўстинли, оппоқ қуюқ соқолли, қопи хар доим совға-саломларга тўла бу саҳий чол болаларнинг севимли бобосига айланган.



Тошкент шаҳри,

Миробод тумани,

Афросиёб қўчаси,

2-уйда жойлашган

"Toshkent Regional Trading" AKra

қарашли "Бизнес-марказ" биносининг

1-қаватидаги

умумий майдони

530 кв.м. ҳажмдаги

савдо майдони ва

омборхоналар

ижарага берилади.

Чирчиқ шаҳридаги

"Toshkent Regional Trading" AKra

қарашли ҳажми

500 тонна бўлган

музлаткич ижарага

берилади.

Тошкент вилояти,

Ўртачирчиқ тумани,

Туябўғиз қўргони,

Навоий қўчасида

жойлашган фойдали

майдони 180,2

кв.м. бўлган савдо

дўкони сотилади.

Мурожаат учун

телефонлар:

152-11-34,

152-11-75.

Ўб-ҳаво Гидрометеорология хизмати

марказининг маълум қилишича, 29 декабрь кунин Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушади. Шимоли-шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, баъзи жойларда 11-13, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

қўйидаги хоналарни ижарага беради!

Биринчи қаватда	31.2 кв.м.
Биринчи қаватда	21.8 кв.м.
Учинчи қаватда	29.96 кв.м.

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани,

Қорақамиш 2/4 даҳаси, М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уй.

Телефонлар: 228-80-31, 228-78-96.

E-mail: rkmb@mail.ru www.rkmb.uz

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан 2008 йил манзилли рўйхатининг жорий таъмирлаш тури бўйича мактабларда таъмирлаш ишларини олиб бориш учун пудратчилар танловини ўтказиш.

Ангрэн шаҳри	Куввати
1 Мактаб № 27 Гулбоғ кўч.	420
2 Мактаб № 22 Боғу суҳур кўч.	844
3 Мактаб № 41 Фишман кўч.	844
4 Мактаб № 25 А.Ясавий кўч.	960
Чирчиқ шаҳри	
5 Мактаб № 13 Соғлом авлод кўч.	844
6 Мактаб № 26 "Галаба" кўч.	960
Бекобод тумани	
7 Мактаб № 15 "Далварзин" ф/х	422
Кибрай тумани	
8 Мактаб № 25 Салар қиш.	624
9 Мактаб № 43 Май қиш.	192
10 Мактаб № 15 Байтўғрон қ.ф.й	624
Паркент тумани	
11 Мактаб № 23 "Жудурук" қиш.	280
Пискент тумани	
12 Мактаб № 29 Кирғизбад ф/х	624
Зангиота тумани	
13 Мактаб № 30 Эркин қ.ф.й	140
Юкориқирчиқ тумани	
14 Мактаб № 15 Қизил Ту қиш.	624
15 Мактаб № 26 Жумабозор қиш.	624
Янгийул тумани	
16 Мактаб № 19 "Халқобод" ф/х	210
17 Мактаб № 57 А. Ортиков ф/х	280

Буюртмачи — Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 64. Тошкент вилояти халқ таълими педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти биноси. Тел.: 255-34-70, 255-52-18.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1141. Адади 3449. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Рассом хандаси



— Янги йилни вақтлроқ бошлаб юборибсизми, оғайни? Абдураул ҲАКИМОВ чизган расм.

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
136-55-54.

Эълонлар: 133-90-82,
136-53-54.

Манзилимиз:
700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билди-
рувлардаги факт
ҳамда далилларнинг
тўғрилиги учун рек-
лама ва эълон бер-
увчилар масъулдир.